

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ТОЖИКЛАРИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР.

Юсупов Аъзамжон Абдулладжанович,
ФарПИ, “Ижтимоий фанлар ва спорт”
кафедраси доценти в.в.б., т.ф.б.ф.д, PhD

Аннотация: Мақолада бугунги Ўзбекистон аҳолисининг катта қисмини ташкил этувчи халқ – тожиклар тўғрисида маълумотлар берилган. Бу халқ вакилларининг Фарғона водийсига келиб жойлашиши, хусусан уларнинг маҳаллий туркийзабон элат ва халқлар билан асрлар давомида қўшилиб, ассимиляциялашуви ва улар жойлашган аҳоли пунктлари тўғрисида мулоҳаза юритилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, аҳоли, халқ, тожиклар, Фарғона водийси, маҳаллий, туркийзабон элат, ассимиляция, аҳоли пункти.

РАССУЖДЕНИЯ О ТАДЖИКАХ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ.

Юсупов Аъзамжон Абдулладжанович,
и.о. доцента кафедры “Общественные
науки и спорт” ФерПИ, PhD

Аннотация: В статье приведены сведения о таджикском народе, который сегодня составляет большую часть населения Узбекистана. Обсуждается расселение представителей этого народа в Ферганской долине, в частности, их интеграция и ассимиляция с местными тюркоязычными народностями и народностями на протяжении веков, а также поселения, где они расположены.

Ключевые слова: Узбекистан, население, люди, таджики, Ферганская долина, местное, тюркоязычное население, ассимиляция, расселение.

DISCUSSIONS ABOUT TAJIKS IN FERGHANA VALLEY

Yusupov Azamjon Abdulladjanovich,
associate professor of the Department of
Social Sciences and Sports, FerPI, Ph.D.

Annotation: The article provides information about the Tajik people, who make up the majority of the population of Uzbekistan today. The settlement of the representatives of this people in the Fergana valley, in particular, their integration and assimilation with the local Turkic-speaking peoples and peoples over the centuries, and the settlements where they are located, are discussed.

Keywords: Uzbekistan, population, people, Tajiks, Fergana Valley, local, Turkic-speaking population, assimilation, settlement.

Фарғона водийси тожиклар асрлар давомида яшаб келаётган худуд ҳисобланади. Тожик халқининг этнологияси ва этник тарихи билан шуғулланган тадқиқотчилар, хусусан, XIX аср охири ва XX асрнинг бошларига оид илмий тадқиқотларда ҳамда этнографик-этнологик кузатувларида тожикларни, шу жумладан Фарғона водийси тожикларини

иккита асосий гуруҳга – воҳа тожиклари ва тоғлик тожикларга бўлиб ўрганган [1, – С.397]. Бундай илмий ёндашув ҳозирги замон этнологиясида ҳам сақланиб қолганлиги билан аҳамиятли бўлиб, тожикларни шу тариқа туркумлаштириш сақланиб қолган [2, – С.59].

Фарғона водийсининг воҳа тожиклари деганда бу ерда қадимдан яшаб келаётган, туркий халқлар билан ассимиляция бўлмаган, миллий ўзлигини ва тилини сақлаб қолган тожик аҳолиси назарда тутилади. Турли даврларда Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Ўратепа томонлардан Фарғонага кўчиб келиб, шу ерда ўрнашиб қолган тожиклар ҳам воҳа тожиклари ҳисобланган. Воҳа тожикларининг кундалик турмушларида бу даврда асосан дехқончилик, хунармандчилик ва савдо билан машғул бўлиш устун бўлиб, улар ўз кўшнилари бўлмиш туркий халқлар, биринчи галда ўзбеклар билан яқин этномаданий алоқада бўлганлиги ҳам диққатга моликдир. Натижада Фарғонада воҳа тожиклари ва ўзбекларнинг турмуш тарзи, моддий ва маънавий маданиятлари тобора яқинлашиб, бир бири томонидан эришилган маиший ва ижтимоий ҳаётдаги ютуқларини ўзаро ўзлаштириш кенг тус олган.

Тоғли тожиклар деб аталган гуруҳга ҳозирги Тожикистон Республикасининг тоғли худудларидан (Қоратегин, Мастчоҳ, Дарвоз, Кўлоб, Помир ва бошқалар) Фарғонага келиб, бу ерда муҳим тарзда яшаб қолган ёки мавсумий ишлаш учун келган тожиклар кирган [3, – С.8]. Тоғлик тожиклар асрлар давомида ўз тарихий ватанларидаги тоғли водий ва дараларда бошқа этнослардан ажралган ҳолатда яшаганлиги сабабли туркий элатлар билан озроқ алоқада бўлганлар, шунинг учун ҳам моддий ва маънавий маданият соҳасида ўзларига хос бўлган миллий хусусиятларни кўпроқ сақлаб қолган эдилар.

Фарғона водийсида тожикларнинг бу икки гуруҳи ўртасида уларни ўзаро яқинлаштирувчи қатор умумий белгилар билан бирга, уларни бир биридан фарқлантирувчи маълум тафовутлар ҳам мавжуд бўлиб, бу хусусиятлар жумладан, уларнинг антропологик кўринишларида, шевалари, турмуш тарзи ва маданий-маиший ҳаётида талай фарқлари билан характерланади.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида тожиклар Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирган Фарғона вилоятининг деярли барча шаҳар ва уездларида истиқомат қилар эди. Улар айрим худудларда аҳолининг аксарият кўпчилигини ташкил этса, бошқа жойларда ўзбеклар ва қирғизлар билан деярли тенг миқдорда, яна бошқа аҳоли пунктларида этник камчилик бўлиб яшар эдилар. Бу ҳол ўша даврда яшаб ўтган тадқиқотларда ҳамда

статистик маълумотларда ўз аксини топган. Жумладан, А. Шишов 1910 йилда чоп этилган “Таджики: этнографическое и антропологическое исследование” номли асарида куйидагиларни ёзади: “...Фарғона вилояти Наманган уездининг тоғли қисмида сарт қишлоқлари ва кўчманчи қирғизларнинг масканлари орасида тожик қишлоқлари мавжуд. Наманган уезидаги тожик қишлоқлари орасида ўзининг қадимийлиги билан ажралиб турувчи Аҳси ва Косон қишлоқлари эътиборни тортади. Фарғонанинг ўзида тожиклар барча шаҳарларда ёйилган бўлиб, бу ерда улар сартлар ва бошқа халқлар билан бирга истиқомат қиладилар. Уларнинг энг кўпчилиги ва нисбатан соф сақланган типи Фарғона водийсининг жанубида, Қўқон ва Марғилон уездларининг тоғли воҳаларида яшамоқдалар”.

Ўрганилаётган даврда воҳа тожиклари кўпроқ Фарғона водийсининг ғарбий (Хўжанд, Конибодом), жанубий (Риштон, Сўх, Учқўрғон) марказий (Чуст Косонсой) ва шимоли ғарбий (Ашт, Чодак) қисмида истиқомат қилганлар. Тадқиқотларда қайд этилишича, ўша даврда Хўжанд шаҳри ва унинг атрофларида аҳолини 85 %ни Бободархон волостида 76,5, Ашт волостида 61,5 Исфара волостида 81,6, Конибодомда 63 фоизни тожиклар ташкил этган [4, – С. 37, 43-46].

Шунингдек Риштон, Чодак, Косон, Чуст, Сўх, Учқўрғон сингари йирик аҳоли пунктлари аҳолисининг аксарияти воҳа тожикларидан иборат эди. Тоғлик тожиклар эса кўпроқ водийнинг шарқий қисмида жойлашган эдилар. 1923 йилги маълумотларда ўша даврда Фарғона вилоятининг 120 дан ортиқ аҳоли пунктида тожиклар аксарият кўпчиликини ташкил этилганлиги қайд этилган [5, – С. 5-96].

Статистик манбаларда воҳа тожиклари ва тоғлик тожиклар алоҳида алоҳида ҳисобга олинмаганлиги сабабли, бу икки гуруҳнинг этнохудудий жойлашуви тўғрисида расмий маълумотлар йўқ. Лекин ўша даврдаги империя шарқшунос тадқиқотчилари бу масалага маълум даражада эътибор берганлар. Уларнинг келтирган маълумотлари ҳамда дала тадқиқотлари давомида кўлга киритган материалларимиз асосида биз имкон қадар шу масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилдик. Ушбу манбалар асосида тузилган куйидаги жадвалдан XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида Фарғона водийсида воҳа тожикларининг этнохудудий жойланиши ҳақида маълумотлар олиш мумкин.

Фарғона водийсида воҳа тожиклари аҳолининг аксариятини ташкил этган
яшаш пунктлари*

¹ Жадвал куйидаги манба асосида тузилди: Список населенных пунктов Ферганской области. М., 1923. С.5-96.

№	Уезд		Волость	Аҳоли пунктлари номлари
1.	Фарғона**2		Учқўрғон	Юқори Учқўрғон
			Чимён	Бўрболик
2.	Кўкон		Исфара	Ворух, Кулкент, Навгилем, Шўртан, Зумрашо, Найман, Сур, Чорқишлоқ, Баланд, Зархон, Пирдевон, Мачай, Чорку, Карбон, Лакон, Чилғози, Қалачамозоршар, Машрафа, Исфара
			Конибодом	Конибодом
			Кенагас	Мамачол (Тожиқвақф)
			Қудаш	Давлатботир, Ражабгарди, Худоёрхон
			Махрам	Махрам, Қароқчиқум, Мирходиев, водокачаси
			Риштон	Қалайнав, Юқори Риштон, Патки Риштон, Қашқариён, Хуррамобод
			Сўх***3	Малбут, Катта Мигна, Равон, Сариканда, Янгиариқ, Ғазнов, Қалача, Тул, Чунғара, Лембур, Демурсад, Пидиргон, Мулғони Боло, Мулғони Поён, Тошмозор, Обикор, Чумоқча
	Яйпан	Вокух, Рапқон, Янгиқўрғон		
3.	Наманган		Ашт	Оқжар, Ашти боло, Ашти Поён, Жарбулоқ, Гудас, Пнук
			Бободархон	Бештол, Жўга, Ертўла, Қамишқўрғон, Кўккурук, Ровот, Урмонтол, Дриш, Қорамозор, Қулихожа, Мулломирон, Понғози Боло, Бободархон
			Варзик	Варзик, Варзикон, Қорасув, Оқсув, Ровот, Қуйи Косон,

^{2*} Фарғона уездининг 24 та қишлоғида тожиклар аҳолининг кўпчилигини ташкил этган

^{3***} Сўх волостидаги Девайрон, Шайхоталиқ, Қизилкиёк ва Хушёр қишлоқларида асосан тоғлик тожиклар яшаган

			Юқори Косон, Исфайрин, Шаванд, Хитойсой
		Капа	Шамсикўл
		Тергаучи****4	Тошжар, Кукумбой
		Чуст*****5	Садача, Чуст
		Чодак	Куйи Чодак, Юқори Чодак

Бу аҳоли пунктларида яшаган тожиклар туб жойли аҳоли бўлиб, ота-боболари ҳам асрлар давомида шу ерларда умргузаронлик қилганлар. Биз дала тадқиқотлари давомида бунга яна бир карра амин бўлдик. Жадвалда кўрсатиб ўтилган аҳоли пунктларида воҳа тожиклари вакиллари билан қилган суҳбатларимиз чоғида кўпчиликка битта савол билан мурожаат қилдик: “Сизларнинг ота-боболаринг бу кишлокқа қаердан келиб қолганлар?” Айрим респондентлар (улар жуда озчилик бўлиб, тахминан 6 фоизни ташкил этади) аجدодлари Самарқанд, Тошкент, Хўжанд томонларда ёки узоқ-яқиндаги кишлоклардан келганлигини қайд этдилар. Бундан келиб чиқиб, ҳақиқатдан ҳам Фарғона водийсидаги воҳа тожикларининг аксарияти шу ернинг туб жойли аҳолисидир, деган ҳулоса чиқариш мумкин.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Фориш, Ўратепа томонлардан Фарғонага келиб, шу ерда муҳим яшаб қолган тожикларнинг авлодлари билан суҳбат қилганимизда, улар одатда ота-боболари қаердан келганлигини билишларига гувоҳ бўлинди ҳамда авлоддан авлодга ўтиб аҳолининг катта ёшдагилари хотирасида яхши сақланган деб ҳулоса қилиш мумкин.

Уларнинг айримлари ҳозир ҳам тарихий ватанларидаги қариндошлари билан яқин алоқа қилиб туришларини маълум қилдилар. Бундай тожикларнинг кўпчилиги шаҳарларда истиқомат қиладилар. Биз Фарғона шаҳрида олиб борган тадқиқотларимиз давомида Самарқанд, Бухоро, Хўжанд, Ашт, Конибодом, ва бошқа жойлардан келиб қолган тожикларнинг авлодлари билан мулоқотда бўлдик. Эътиборга лойиқ факт шундан иборат бўлдики, кўчиб келганларнинг биринчи-иккинчи авлодлари ўзларини “самарқандий” (“самарқандлик”) “буҳорий” (“буҳоролик”), “хўчандий, (“хўжандлик”) ва ҳоказо деб аталган бўлсалар, уларнинг авлодлари ҳозирги кунда ўзини бундай ном билан атамайди ёки бунга уларда ҳеч қандай эҳтиёж сезилмайди. Бундан келиб чиқиб, воҳа тожикларининг бу гуруҳи

^{4****} Тергаучи волостининг Куюнмозор кишлоғида аҳолиси тоғлик тожиклардан иборат эди

^{5*****} Чуст волостининг Дачаба ва Саримсоқтепа кишлоклари аҳолиси асосан тоғлик тожиклар бўлган

Фарғона водийси муҳитига мослашиб, бу ернинг аҳолиси билан интеграциялашиб кетганлар, деб айтиш мумкин.

Воҳа тожиклари ўзлари яшаб юрган ёки келиб чиққан жойларига қараб, локал гуруҳларга бўлинганлар. Бу гуруҳлар одатда улар яшаган шаҳар ёки йирикроқ қишлоқнинг номи билан аталган. Шу тариқа, воҳа тожиклари риштоний (риштонлик), сўхий (сўхлик), чустий (чустлик), косоний (косонлик), конибодомий (конибодомлик), исфарагий (исфаралик), учқўрғоний (учқўрғонлик), варзкий (варзклик), аштий (аштлик), чодакий (чодаклик) ва бошқа гуруҳларга бўлинган. Хар бир локал гуруҳ ўз шеваси ва айрим урф-одатлари билан бир-биридан маълум даражада фарқланиб турган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган локал гуруҳлар ўз навбатида яна кичикроқ гуруҳчаларга бўлинади. Масалан, бошқа жойларга борганда барча Сўх водийси тожиклари ўзларини сўхий (сўхлик) деган умумий ном билан атаганлар. Аммо Сўхнинг ўзида эса яшаб турган қишлоқларига қараб ўзларини “ровоний”, “пидиргоний”, “ленбурй”, қалъагй” ва ҳ.к.о. деб атаганлар ва ҳозир ҳам шундай деб атайдилар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Фарғона водийсида яшаган воҳа тожиклари ва тоғлик тожиклар ўртасида консолидация жараёнлари рўй берди. Уларнинг ҳўжалик ҳаёти, турмуш тарзи ва урф-одатлари тобора яқинлашиб борди.

Айни вақтда тоғликлар ва улар билан қўшни бўлиб яшаган ўзбеклар, қирғизлар ва қипчоқлар ўртасида ҳар томонлама этномаданий алоқалар ривожланди. Натижада водий ҳалқларининг моддий ва маънавий маданиятида тобора кўпроқ умумийлик ва ўхшашлик кўзга ташлана бошлади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Шишов А. Таджики: Этнографическое и антропологическое исследование. Часть I. Этнография. Ташкент, 1910 С. 43; Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. Спб, 1872.С. 397.
2. Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX в. Этнокультурные процессы. Т., 1991. С. 59.
3. Шишов А. Указ соч. С.8.
4. Турсунов Н.О Сложение и пути развития Таджикистана и сельского населения Северного Таджикистана XIX-начала XX в в Душанбе, 1976. С. 37, 43-46.
5. Список населенных мест Ферганской области. М., 1923. С. 5-96
6. Зияева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракатида зиёлиларнинг ўрни // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (Жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Маънавият, 2001.

7. Эрназаров Т.Э., Акбаров А.И. История печати Туркестана (1870- 1925). – Т.Ўқитувчи, 1976.
8. Миллий матбуотимизнинг икки дурдонаси. “Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” газеталарининг ўзбек халқини эрк ва хуррият, миллий бирлик ва тарққиёт ғоялари руҳида тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти” мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2015 йил, 27 май. Т., 2015.
9. Yusupov A. Socio-Economic Changes In The City Of Kokand (Late 19th Century And Early 20th Century) //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 09. – С. 14-20.
10. Юсупов А. А. Туркистон иқтисодий ҳаётида маҳаллий сармоядорлар //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 32-43.
11. Юсупов А. А. Приоритетные направления развития малого предпринимательства в Узбекистане на современном этапе //Достижения науки и образования. – 2018. – №. 18 (40). – С. 23-24.